

ГУРУНГ

“ЖАДИДЛИК ЭНДИ ЎЛМАЙДИГАН ҲАРАКАТГА АЙЛАНДИ”

Ўзбекистон Қаҳрамони, атоқли адабиётшунос, адиб ва мутаржим
Иброҳим ҒАҒУРОВ билан суҳбат

– Ассалому алайкум, устоз. Сиз ҳам замон, ҳам руҳият нуқтаи назаридан жадид боболаримизга энг яқин миллат ойдинларидан бирисиз. Жадидлик ҳаракати давомчиларини кўргансиз, улар билан бирга ишлагансиз, албатта, суҳбатида бўлгансиз. Айтинг-чи, жадидлар озодлик ва маърифат йўлидаги курашларида ниманинг бадалига бу даражада қатъият ва ишонч билан фидойилик кўрсатишган?

– Жадидлар ҳақида, уларнинг тарихи хусусида, дунёга келиши, тарқалиши, жаҳоннинг қатта қисмини ғоялари, фикрлари, мафқураси, фаолияти билан эгаллаши, ўзига миллий фикр ва ғоя майдонларини яратиши борасида илк маротаба суҳбатлашамиз. Жадидлар айнан XX аср ва бизнинг давримизда, давлатимизда қаддини ростлаши, ер бағридан кўрагини кўтариб, шоиронароқ қилиб айтганда, қуёшга қараб юксалиши тасодиф эмас. Жадид ҳаракати деган улғур бир рух эгаси дунё микёсида ниҳоятда катта оқим сифатида иқтидорга келиши бу яқин умумбашариёт тарихида рўй берган буюк ҳодисалардан биридир. Мозий жадид номи остида мафкура, ғоя, мустақиллик, маърифат, эрк учун курашлар майдони яратилганига далолат қилади. Тарихимизнинг буюқдан буюк ижтимоий, сиёсий, фалсафий, ҳаётий ҳодисаси, воқелиги мустабид тузум томонидан қанчалар даҳшатли қувғинларга учрамагин, қон қақшатилмагин, илдиэларига ҳаётини юборишга тиш-тирноқ билан ҳаракат қилинмасин, Президентимизнинг

жуда катта фикрли ташаббуслари сабаб адолат қарор топди. Жадидона ғоялар бугунги кунда ижтимоий, маданий, фалсафий тафаккур ислохоти ҳаракатлари ичига ўзининг туб ҳаётий қуч-қуввати билан кириб бормоқда. Ушбу ҳодисанинг тикланиши, халқимизга, мамлакатимизга асл мазмун-моҳияти микёсида тўқис-туғал қайтариллиши бу давлатимизнинг ўз таянч нуқтасини топиб, халқ ичида янада қуч-қудрат касб этишидан дарак беради. Жадидлик энди ўлмайдиган ҳаракатга айланди. Ана шу тарихий адолатни тиклагани учун ҳаммамиз қўлимизни кўксимизга қўйиб, Президентимизга туганмас миннатдорлигимизни билдирамыз.

Чунки Юртбошимиз замонамизнинг етакчи жадиди ўлароқ минтақада геосиёсий ислохотларга бош бўлиб, боболаримиз орзу қилган туркий давлатлар ҳамжиҳатлигини тиклаётган, Марказий Осиёни бошқа қитъалар билан боғлаётган халқаро микёсдаги ҳақиқий лидер сифатида майдонга чиқди. Шунингдек, Оролбўйи муаммолари, тинчлик ва ёшлар, умуман, замоннинг муҳим саналган нимаики масаласи бўлса, уларни асосли тарзда дунёнинг энг нуфузли минбарларида кўтариб чиққани, БМТ бош котиби Антониу Гутерриш таъбири билан айтганда, Шавкат Мирзиёевнинг минтақадаги кўпrik ўрнатувчи ташаббускор, тинчлик элчиси эканини яна бир бор амалда исботлади.

Албатта, бу саъй-ҳаракатларни бутун дунё ҳамжамияти қўриб-билиб турибди, эътироф этяпти. Европанинг юраги са-

налган Францияга расмий ташриф чоғида мезбон Эммануэль Макрон Шавкат Мирзиёевни “Фахрий легион” ордени билан тақдирлаши ҳам ана шу халқаро эътирофларнинг наватдагисидир.

Бу фикрлар давр тақозоси. Яна саволингизга қайтсак. Мен 1956–61 йилларда Ўзбекистон Миллий университетининг филология факультетида таҳсил олганман. Бизга Озод Шарафиддинов, Ғулом Каримов, Субутой Долимов, Шавкат Раҳматуллаев, Лазиз Қаюмов, Натан Маллаев каби ҳам педагог, ҳам олим, ҳам жамоат арбоби сифатида юксак иқтидорли, ҳеч қандай ясама, сохталиги бўлмаган одамлар дарс берган, онгимизни очишган. Университетни тугатганимизда баъзи дўстларим билан бирга мени Маданият вазирлигига ишга жўнатишди. У ерда бизни нашриётларга тақсимлашди. Мен билан курсдош дўстим, шоир Тўлқинни Давлат бадийи адабиёт нашриётига юборишди. Икки-уч ойлик синов муддати ўтгач, мени муҳаррир лавозимига ишга қабул қилишди. “Навоий-30”да жойлашган бу нашриёт кенг қамровли, катта-катта ёзувчилар, адиблар, маданият намояндалари ишлайдиган жой эди. У ерда Миртемир ака, Миркарим Осим, Одил Шаропов, Рустам Комилов, Мирмуҳсин, Ҳаким Назир, Султон Акбарий каби ажойиб одамлар хизмат қилишарди. Ўша ерда мен ҳақиқий маънодаги жадид сиёқли, жадид қиёфали, бутун саҳти-сумбатидан жадидона нур ёғилиб турадиган одамларни кўришга муассар бўлдим. Улар билан бирга ишлаганим,



уларнинг қўлёмаларини синчиклаб ўқиб, тақризлар ёзиб, муҳаррирлик қилганимдан ўзимдан ўзим миннатдор бўлиб юраман. Ахир Миртемир, Рамз Бобожон, Султон Акбарий, Ҳамид Ғулом, Қодир Мирмуҳамедов, Лола Тожиева, Мирзиёд Мирзоидовга ўхшаган камтар ва фидойи ижодкор ноширларни ўша ерда танидим-да. Бу менга ҳаётнинг мислсиз тухфаси бўлди.

Миркарим Осим бениҳоя камтарлиги билан меҳримизни қозонганди. У доим қисиниб, девор ёқалаб, йўлакларнинг четидан юрди. Шунданми кийимининг бир елкаси доим оқариб юрадиган, аммо эски дунёни яхши биладиган улкан адиб муаррих эди... Ана ўшалар жадидларни кўрган, ўзиям жадид қиёфали кишилар бўлган. Тирик жадидлардан Мўминжон Муҳаммаджонов – Тошқинни кўрганман...

Мен дастлаб тоғамнинг кутубхонасида Усмон Носир, Чўлпон, Қодирий каби жадид намояндаларининг айрим китобларини ўқиганман. Уларни жадид дейишарди, фақат у пайтлар сўқиш ва ҳақорат оҳанги сезилиб турарди бу сўзлар замирида. Ёмон сўқишарди. Энг камида “халқ душмани” деб ҳақорат қилишарди, камситишарди. Чунки мустабид совет мафқураси сичкон инигача ўз ғояларини қўроғишдек қўйиб ташлаганди.

(Давоми 3-саҳифада) ➔

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

РАМАЗОН ҲАЙИТИНИ НИШОНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Янги Ўзбекистонда “Инсон қадри учун, инсон бахти учун” деган эзгу ғоя асосида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар туфайли халқимиз фаровонлигини ошириш, кўпмиллатли жамиятимизда тинчлик-осойишталик, дўстлик ва ҳамжиҳатлиқни мустаҳкамлаш борасидаги ишлар сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилмоқда.

Буларнинг барчаси бағрикенглик, саховат ва шукроналик тимсоли бўлган муборак Рамазон ойини мамлакатимизда тинч-тотув, файзли ва шуқуҳли муҳитда ўтказишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Бунинг эъл-юртимиз ўртасида инсонпарварлик, ўзаро ҳурмат ва меҳр-оқибат, кам таъминланган ва эҳтиёжманд шахслар, ёрдамга муҳтож оилаларга эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиш каби юксак инсоний фазилатлар айна кунларда янада яққол намойён бўлаётгани ҳам тасдиқлайди.

Улуғ айём – муқаддас Рамазон ҳайитини ана шундай хайрли ишларни изчил давом эттирган ҳолда ҳар томонлама муносиб кутиб олиш, ўтказиш ва унинг моҳиятида муҳассам бўлган эзгу қадрият ва анъаналарни кенг тарғиб этиш мақсадида **қарор қиламан:**

1. Жорий йилда Рамазон ҳайитининг биринчи куни **30 март – якшанба** кунига тўғри келиши ҳақидаги Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг ахбороти маълумот учун қабул қилиниб, мамлакатимизда 2025 йил **30 март** куни Рамазон ҳайити байрами сифатида кенг нишонлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 208-моддасига мувофиқ:

а) ишланмайдиган байрам куни ҳисобланувчи Рамазон ҳайитининг биринчи куни 2025 йилда якшанба – дам олиш кунига тўғри келиши муносабати билан ушбу дам олиш куни 31 март – душанба кунига қўчирилиши;

б) бунда ишлаб чиқариш-техник ва ташкилий шароитлар (мавжуд узлуксиз ишлаб чиқариш, аҳолига ҳар куни хизмат кўрсатиш, наватчилик асосида ишлаш ва бошқалар) туфайли ишланмайдиган байрам кунлари тўхтатиб қўйиш мумкин бўлмаган ишларни бажаришда дам олиш кунлари қўчирилмаслиги маълумот учун қабул қилинсин.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари Дин ишлари бўйича қўмита, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси, Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги ва бошқа ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда ҳудудларда Рамазон ҳайитини халқимизнинг **миллий анъана ва урф-одатларига уйғун ҳолда ўтказиш** бўйича тегишли чора-тадбирларни амалга оширсин.

Туризм қўмитаси Транспорт вазирлиги билан биргаликда юртдошларимиз учун Рамазон ҳайити кунларида **муътабар зиёратгоҳлар ва тарихий қадамжоларга зиёратларни ташкил этиш** мақсадида қулай шароит ва имкониятлар яратсин.

4. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Рамазон ҳайитини нишонлаш билан боғлиқ тадбирларни кенг ёритиш тавсия этилсин.

5. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси Р.Қ.Давлетов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти **Ш.МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2025 йил 26 март

ТААССУРОТ

БЕҲБУДИЙ ИЗДОШЛАРИ ГЕРМАНИЯДА



Президентимизнинг “Туркистон жадидлик ҳаракати асосчиси, атоқли адиб ва жамоат арбоби, ношир ва педагог Маҳмудхўжа Беҳбудий таваллудининг 150 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида”ги тарихий қарори қабул қилингач, нафақат юртимизда, балки қардош ва ёндош давлатларда ҳам умумбашариётнинг ёрқин сиймоси бўлган улуғ бобомиз ижодини тадқиқ ва тарғиб этиш борасида илмий анжуманлар, давра суҳбатлари мунтазам ўтказиб келиняпти.

Яқинда Германиядаги элчихонамизда миллат фахри, “Туркистон жадидлик ҳаракатининг бонийси” (Беғали Қосимов таърифи) саналган фидойи сиймога бағишланган маданий-маърифий тадбир ҳамда Германиядаги ўзбек талабалари уюшмасининг расмий очилиш маросими бўлиб ўтди.

Гёте диёрида ўзбек тилини ўрганаётган немис ёшлари, ўзбекистонлик талабалар ҳамда “Жадидлар изидан” республика танловида ғолиб бўлган мактаб ўқувчиларидан иборат делегация иштирок этди.

– Беҳбудийнинг бой меросини ўрганиш ва унинг

ғояларини ёшлар орасида тарғиб қилиш бугунги кун учун жуда муҳим, – деди Ўзбекистоннинг Германиядаги Факултетада ва Мухтор элчиси Дилшод Аҳадов. – Бу каби тадбирлар тарихимиз ва миллий қадриятларимизга ҳурмат туйғуларини оширади. Юртимиздан келган “Жадидлар изидан” танлови ғолибларини эришган ютуқлари билан табриқлай туриб, бу авлод маърифатпарвар жадидларимизнинг муносиб ворислари бўлиб етишишига умид боғладик.

Элчи жаноблари Ўзбекистон талабалари уюшмаси ҳақида ҳам алоҳида тўхталиб, элчихона бу ёшлар ташкилотини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашини маълум қилди. Мазкур уюшма немис диёридаги илмталаб ёшларни бирлаштириш, бу ерга ўқишга келаётган толиби илмларга ёрдам кўрсатиш ҳамда немис халқини миллатимиз маданияти, санъати ва ҳаёти билан таништиришни ўз олдига мақсад қилиб қўйганини эътироф этди.

Биз ушбу тадбир иштирокчиларини суҳбатга чорладик.

(Давоми 6-саҳифада) ➔

РАМАЗОН САБОҚЛАРИ

ЖИСМ ВА РУҲ МАЙЛИ

Барчага аёнки, адабиёт дин эмас, дин ҳам адабиёт эмас. Лекин мусулмон халқлари адабиётини диндан айри тасаввур қилиб бўлмайд.

Ислом таълимоти ўтмишда сўз санъати учун маънавий асос эди. Бунинг барча мумтоз шоиру адибларимиз, хусусан, Алишер Навоий ижоди ҳам яққол исботлаб турибди.

Даврнинг ўзи Навоийга исломнинг тарғиботчиси бўлиш вазифасини юклаган эди, десак, хато бўлмас. Шоир “Сирож ул-муслимин” (“Мусулмонлар чироғи”) асарининг ёзилишига туртки бўлган баъзи бир сабабларни айтиб ўтади.

(Давоми 3-саҳифада) ➔



МИЛЛАТ ФИДОЙИЛАРИ



ИМПЕРИЯНИ ҚЎРҚИТГАН АМИРЗОДА

“КАТТА ЎЙИН” ГИРДОБИДА

XIX асрда дунё харитасидаги чегаралар ўзгариб, айрим давлатларнинг ҳудудлари ҳукмрон империялар ўртасида “талаш” бўлди. Бу даврга келиб серҳосил ерлари ва ерости бойликларига эга Туркистон ўлкасига икки қудратли империя – Англия ва Россия кўз тика бошлади. Икки ўртадаги рақобат эса тарихда “Катта ўйин” номи билан машҳур. Афсуски, минтақадаги ҳукмрон доиралар – хонлар, амирлар бу хавфни олдиндан кўра олмадилар. Гарчи қаттиққўллиги ва шафқатсизлиги билан ном қолдирган бўлса-да, Бухоро амирлари орасида Насруллохон шайбоний ҳукмдор Абдуллахон II давридаги каби марказлашган давлат тузишга интилди. Аммо бу мақсадини рўёбга чиқара олмади. Ундан сўнг тахт бошига келган Музаффар тез орада узоқни кўра олмайдиган ҳукмдор эканлигини кўрсатди.

“МЕН БИР ЖАҲД ҚИЛСАМ, МАСКОВГАЧА БОРАМАН!”

Саид Абдумаликхон (тарихга Катта тўра номи билан кирган) мангитлар сулоласи вакили Музаффарнинг тўнғич фарзанди эди. Катта тўра Музаффарнинг Зумрад исмли хотинидан туғилган бўлиб, бу аёл афғон амирининг қизи эди. Шаҳзода 12 ёшида Карманага ҳоким этиб тайинланади. Кейин эса Ғузорга юборилади.

Шаҳзода фаолияти кам ўрганилган. Рус тарихчиларининг аксари бу борадаги тарихни ҳолис ёритмаган. Унга “исёни қўғил” тамғасини босиб, йирик озодлик ҳаракатини аҳамиятсиз қилиб қўрсатган. Мустақиллик йилларида бир қатор олимлар бу мавзуни ўрганиб, ҳолис таҳлил қилдилар. Шу ўринда тарихчи олим Аббор Одиловнинг Абдумаликхон фаолиятини ўрганишдаги тадқиқоти муҳим аҳамият касб этади.

(Давоми 7-саҳифада) ➔



МУНОСАБАТ

ЮРАКДА ПОКЛАНИШ, ИДРОКДА УЙҒОНИШ



Инсон сўзининг луғавий маъноси унутувчи, эсдан чиқарувчидир. Тоғлар емирилиб, қум барханларига айланди, денгизлар қуриб, сахрога дўнди, минг-минглаб порлоқ юлдузлар фурсати келиб сўнди. Аммо инсон ўз фитратидagi унутувчанлик хислатига содиқ қолди. Балки шу боисдир, бани башарни асл Ватанимиз – жаннатга олиб борувчи йўл эътиқод, эзгулик ва тўғрилиқ эканини эсла-тиб турмоқ учун бир юз йигирма тўрт минг ялавоч юборилган. Балки шу боисдир, осмонлару тоғлар кўтаролмаган омонат юкини инсон ўз зиммасига олган.

Яқин ўтмишда ўз давлатимиздаги мажлис-йиғинларда бошқа тилда гапириб, ҳужжатларимизни ҳам ўзга лисонда юритишга мажбур бўлганимизни бугунги авлодга айтсак, ишонмаслиги тайин. Тил билмаган муштирап оналаримиз поездга чипта олиш учун ҳам бирор билангонга илтимос қилганлари ҳозир чўпчак бўлиб туялади. Рамазон ойини муносиб кутиб олиш, ҳайит байрамини кенг нишонлашга доир давлат раҳбарининг махсус фармони чиқиши хайрли анъанага айланди. Ҳолбуки, қирқ-эллик йил олдин рўза тутиш у ёқда турсин, шунчаки фотиҳага қўл очгани учун сиёсий раҳбарлар жазога мустаҳиқ этилгани катта авлоднинг ёдидан ўчгани йўқ.

“Берилган неъматларга шукрона келтириш, неъматнинг зиёда бўлишига сабаб бўлади, ношукрлик эса бори-дан ҳам махрум этади”, дейди Мавлоно Жалолиддин Румий. Янги замонда, инчунин, диний соҳада бахраманд бўлаётганимиз эркинлик, кенгчиликларни санаб адоғига етолмайсан киши. Кечагина умра сафарига бориш учун йиллаб навбат пойлаган юртдошларимиз, бугун истаган пайтлариди муқаддас ерларга сафар қилиб, ибодат амалларини эмин-эркин адо этиб келмоқдалар. Яқин йилларгача таровەх намозларига қўшни давлатлардан қорилар жалб этилар эди. Бугун эса юртимиз масжидларида ўзимизда тарбия топган мураттаб қорилар иштирокида хатми Қуръонлар ўтказилмоқда. Хорижий давлатлар сўровига кўра, ўзбекистонлик қорилар ҳатто яқин-йироқ ўлкаларда хатми Қуръон ўтказиб бермоқда. Мамлакатимизнинг бирор гўшасида обод бўлмаган зиёратгоҳ қолмади ҳисоб. Ҳар йили юз минглаб мусулмонлар юртимизга келиб, бухорийлару хоразмийлар, термизийлару фарғонийларнинг қадамжоларини зиёрат қилиб, муқаддас қадамжолар файзидан бахраманд бўлмоқда. Қувонарлиси шуки, кечагина тарихий мерос талашган қўшни қардошларимиз, давлатимиз олиб бораётган бирдамлик ва яқинлик сиёсати туфайли тарихимиз ҳам, бугунимиз ва келажагимиз ҳам муштарак эканини англаб етмоқда.

Ҳамманинг кўнглини топпоқ амримаҳол экан. Тан олиш керак, афсуски, ораимизда мамлакатимизда олиб борилаётган дунёвийлик сиёсатини нотўғри тушуниб, даҳрийлик тамғасини ёпиштирмоқчи бўлаётганлар ҳам, эътиқод эркинлигига мутаассиблик тўнини кийдиришга уринаётганлар ҳам бор. Ана шундай янглиш қарашдаги замондошларимиз куни кеча муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев мезбонлигида Кўксарой қароргоҳида ўтказилган ифторлик

маросимини кўрдилармикан? Ўша куни республика-мизда расман рўйхатдан ўтган ўн олти диний конфессия раҳбарларининг бир дастурхон атрофида жамул-жам бўлгани айб муқаддас динда эмас, балки айрим диндорларнинг маҳдуд тушунчасида эканини яна бир қарра тасдиқлади.

Ҳазрат Навоийнинг машҳур байти бор:

Кимки бир кўнгли бузғунинг хотирин

шод айлағай,

Онча борким, Каъба вайрон бўлса, обод айлағай.

Давлатимиз раҳбари ифторлик маросимидаги нутқидида ижтимоий соҳа бўйича қўлга киритилган натижалар хусусида айрим рақамларни келтирди. Ўтган йилнинг ўзидида муҳтож оилаларга 16 триллион сўмлик моддий ёрдам ва нафақалар берилибди. Демак, йўқчилик сабаб муаммолар гирдобидида қолган минглаб кўнглиларга шодлик улашилган, Яратганнинг назаргоҳи бўлган қалблар обод қилинган. Инсон қадри, инсон бахти аслида шу эмасми?..

Ойларнинг султони Рамазон – руҳий покланиш, маънавий тозариш фурсатидир. Бу йил мўмин-мусулмонлар интиқиб кутган муқаддас ой қўлдам фасли билан, минг ойдан афзал Қадр кечаси эса яшариш ва янгила-ниш айёми – Наврўзи олам билан деярли бир вақтга тўғри келганида ҳам рамзий маъно бор. Бу ҳол мамла-катимизда миллий ва диний қадриятлар уйғун равиш-да ривожланаётганига ишора гўё. Баҳорий кайфият, яратиш иштиёқи, руҳий бардамлик, кўнглиларнинг бирдамлиги – барча-барчаси юртдошларимизнинг қал-би ва онгидаги уйғониш, покланиш эҳтиёжига жавоб бўлмоқда.

Бугун кечаги муваффақият билан яшаб бўлмайди. Ҳаётнинг ўзи олдимизга янги-янги марралар, янги ва-зифаларни қўймоқда. Бу вазифаларни ўз вақтида ва сифатли бажармоқ, қўйилган юксак марраларни забт этмоқ учун эса пок ният, эзгу амал, яхши сўз ва маъри-фатга муҳаббат лозим.

Давлатимиз раҳбари ўз нутқидида тариқатнинг улўғ пешвоси Баҳоуддин Нақшбанднинг “Қўлинг меҳнат-да, дилинг Аллоҳда бўлсин”, деган уғитини ёдга олиб ўтди. Биз орифлар султони Жунайд Бағдодийдан бир ҳикматни зикр этмоқчимиз.

Бағдодий ҳазратларидан “Биргина дуонгиз қабул бўлишини билсангиз, кимни дуо қилардингиз?” деб сў-рашибди. “Замон султонининг ишига ривож тилаб дуо қилардими. Зеро, султоннинг иши ўнгланса, раиятнинг иши ҳам ўнгланур”, деб жавоб берибди орифлар ори-фи.

Бу йилги Қадр кечаси ўзгача файзу шуқуҳ билан ўтди. 1700 дан зиёд масжидларимизда хатмоналар бўлди. Нуруний отахонларимиз, юртимиздаги жамики мўмин-мусулмонлар муҳтарам Президентимизга мус-тахкам соғлиқ, узоқ умр ҳамда хайрли ишларига ба-рака тилаб дуолар қилдилар. Сидқидилдан қилинган дуолар мустаҷоб бўлгуси, иншооллоҳ!

Олимжон ДАВЛАТОВ,
Ижтимоий-маънавий тадқиқотлар
институтини директори,
филология фанлари бўйича фалсафа доктори



ОНАЖОНИМ – ТАБИАТ

Илгари ҳар бир ҳовлида ота-боборлар фарзандлари, невараларига атаб тупроққа кўчат қа-дашган. Ниҳоллар тобора чуқур томир ёйиб, кун сайин бакувват дов-дарахтга айланиб бораркан, бу ривож ота-бобомизга ўзгача сурур бағишласа, фарзанда оиланинг эртаси, таянчи сифа-тида зиммасидаги улкан масъ-улиятни англатиб турган. Агар оилада ўғил фарзанд туғилса, ҳовли чеккасига яхши ниятда йигирма туп терак кўчати эки-лар, улар кун келиб йигит вояга етганда уйли-ватанли бўлиши-да асқотарди. Шулар ҳақида хаёл сурур эканман, “Отаннинг тол экани – ўзига ном экани” нақли беихтиёр эсга келаверди. Нақадар ҳақ гап!

ланишига қарамай, ҳавони чанг-ғу-бордан ҳимоялашда давом этади.

Дарахт экиш атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгари-шига қарши курашишда энг сама-рали усуллардан бири бўлиб, бу борада жаҳонда кўплаб анъанавий йирик лойиҳалар мавжуд. Африка-да 2007 йилдан бошлаб йўлга қў-йилган “Буюк яшил девор” (“Great Green Wall”), Хитойда 1978 йилдан бери изчил амалга ошириб кели-наётган “Three-North Shelterbelt Program”, Эфиопиядаги “Яшил ме-рос” (“Green Legacy”), Бразилия-нинг Амазон ўрмонларини тиклаш-га қаратилган “Триллион дарахт” (“Trillion Trees”) лойиҳаларини энг муваффақиятли ташаббуслар си-фатида эътироф этиш мумкин.

Хусусан, Африкадаги “Great Green Wall” лойиҳасидан кўзлан-

қўшимча 1500 евро ажратади. Бошқа сарф-харажатлар билан қўшиб ҳисоблаганда бир да-рахт экиш ва уни парваришлаш 2800 еврога тушади. Шунингдек, шаҳарнинг айрим жойларида ни-коҳдан ўтаётган ёшлар махсус ажратилган ҳудудларга бориб, дарахт экишади. Бу анъана янги оила, меҳр-муҳаббат рамзи си-фатида юксак қадрланади.

Бутун дунёда иқлим ўзгариши глобал муаммога айланиб бо-раётган бир пайтда бу хавф биз яшаб турган маконни ҳам четлаб ўтмаслиги кундай равшан. Таас-суфки, сўнгги пайтларда турли қурилишлар ва бошқа сабаблар билан “яшил дўстларимиз” ил-дизига болта ураётганлар тои-фасини ҳам учратдик. Бундай ҳолатлар кенг жамоатчилик, хал-



БОҒ ЯРАТ, МЕВАСИНИ ТАТИРСАН!

Ўзи, дарахт экиб, боғ яра-тиш – бизга бобомерос. Тарих са-ҳифаларини varaқласак, боғлар асносида “Ўзига ном экиб кетган” буюк аждодларимиз шахси, эзгу қадриятлари билан юзлашамиз. Соҳибқирон Амир Темуриятган боғ-роғлар ҳаммамизга маълум: “Боғи Бехишт”, “Боғи Баланд”, “Боғи Дилқушо”, “Боғи Майдон”, “Боғи Нав”, “Боғи Шамол”, “Боғи Зоғон”, “Боғи Чинор”, “Боғи Нақши Жаҳон”... Улар бизга яхшидан боғ қолиши ҳикматини мудом урғулаб туради. “Темуриятганлардан мана бу қайд эса Соҳибқирон бобомиз-нинг яратувчанлик салоҳиятидан дарак: **“Ҳаминалиғ таъкид этур эдим: хон бўлсанг-да боғ ярат, гадиб бўлсанг-да боғ ярат – бир кунмас-бир кун мевасини татир-сен...”**

Эслайман, болалик дамларим-да ҳар тўрт-беш ҳовлининг бири-да, албатта, туп дарахти бўлар, шохлари тарвақайлаб пахсабўй ўсиб кетар, тутпишар палла бў-йимиз етмаган жойларини том ус-тида ўтириб териб олардик. Бола бўлиб бизга қорин ғами муҳимроқ, уларнинг ҳовли этагига экилгани у қадар қизиқ эмасди. Кейинчалик билдимки, тутнинг иморатга яқин экилиши сувни бўғлатиб, деворлар зах тортишининг олдини оларкан. Теран фикрли ота-боболаримиз дарахтларни шунчаки ҳаваста эк-магани, балки бу хайрли ишнинг-да тағзамирида илм ётганини англаб, аждодлар заковатига таҳсин айта-сан киши.

Дарахт ва буталар ҳаводаги чангни ҳамда касаллик кўзғовчи бактерияларни камайтиради. Ат-рофда яшиллик қанча кўп бўлса, ксилород алмашинуви ва ҳавони тозалаш имкони шунча ошади. Қо-лаверса, дарахтлар шаҳар шовқини ҳам қияди, жазирамада сал-қинлик бериб жонга ора қиради. Кузагу аёзда япроқ тўкиб яланғоч-

ган бош мақсад Сахрои Кабир чў-лининг кенгайишини тўхтатишдан иборат. Лойиҳага кўра, 8 минг ки-лометр узунликда яшил ҳудуд яра-тиш мақсад қилинган. Ушбу ташаб-бусда қитъадаги 20 га яқин давлат бево-сита иштирок этади. Лойиҳа натижасида тупроқ эрозиясининг олди олиниб, миллионлаб одам иш билан таъминланаётир.

Хитой тажрибаси ҳам муваф-фақият қозонган лойиҳалар сафидалиги халқаро миқёсда эътироф этилмоқда. “Three-North Shelterbelt Program” дунёдаги энг катта ўрмонлаштириш дастурла-ридан бири саналади. Ушбу лойи-ҳа Ғўби саҳросининг кенгайишини секинлаштиришни назарда тута-ди. Дастур доирасида миллион-лаб гектар майдонга дарахт экил-ган. Бу эса тупроқ унумдорлигини тиклаш ва маҳаллий экотизимни барқарорлаштиришга ёрдам бер-моқда.

Эфиопиянинг “Яшил мерос” та-шаббуси эса ўзига хос жаҳон ре-корди билан машҳур – 2019 йили лойиҳа доирасида бир кун ичида 350 миллион туп дарахт экилган. Бу лойиҳа ҳудудда қурғоқчилик хавфини камайтиради, ер унум-дорлигини ошириш ва сув ресурс-ларини яхшилашга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Борди-ю, Германияга йўлингиз тушса, сўлим ва қуюқ дарахтзор-лардан қадамингиз узилмайди. Табиийки, уларни парваришлаш жуда катта маблағ, вақт ва куч та-лаб этади. Шу боис мамлакатнинг деярли ҳар бир шаҳрида “Яшил кўнглиллар” жамияти фаол иш-лайди. Мисол тариқасида Кёльн шаҳрини олайлик. Бу ерда фу-қаролар “Кёльн учун 1000 да-рахт” ташаббуси доирасида кўчат экишга ҳомийлик қилиши мумкин. Бунинг учун 1200 евро миқдори-да хайрия қилиш талаб этилади. Шундан сўнг шаҳар ҳокимияти

қаро ва маҳаллий экофаоллар томонидан эътибор марказига олиниб, қонуний ечимлар таклиф этиш даражасигача кўтарилди. Шу тарика тупроқнинг унумдор қатламини сақлаб қолиш ва яшил ҳудудларни асраш мақсадида эндиликда 2025 йил 1 июлдан бошлаб кўпқаватли уйлар мас-сивларидаги тупроқ ва яшил қо-ламали умумий фойдаланишдаги ҳудудларни ўзбошимчилик билан бетонлаштирганлик, қурилма ва конструкцияларни ўрнатганлик учун жавобгарлик чоралари ку-чайтирилиши белгиланди.

Давлат раҳбаримиз ташаббуси билан амалга оширилаётган “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси эса юртимизда экологик вазиятни янада яхшилаш, иқлим ўзгаришларига миллий ечим си-фатида тақдим этилган эзгу та-шаббус ўлароқ умуммиллий ҳа-ракатга айланиб улгурди.

Ушбу лойиҳа доирасида бел-гиланган вазифалар, жумладан, 200 миллион туп дарахт ва буталар экиш, “Соғли сайр кўчалари” тар-моғини яратиш, Орол денгизи туби-да 100 минг гектар “яшил майдон” барпо этиш ва Оролбўйи минтақа-сидаги ўрмонзорларни 2,1 миллион гектарга, ўрмон билан қопланган майдонларни 4,1 миллион гектарга етказиш ва муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудларни 14,5 фоизгача кенгайтириш – буларнинг барчаси ҳудудларни ободонлаштириш, эко-логик жиҳатдан қулай ва фаровон муҳитни янада яхшилашга хизмат қилиши шубҳасиз.

Қамров ҳам айтиб турибди, “Яшил макон” бир йиллик тадбир эмас, келажак учун давомли ҳа-ракатдир. Ушбу умуммиллий лойиҳа шаҳарларимиз, маҳаллала-римизга ўзгача файз бағишловчи янги яшил ҳудудлар барпо этили-шига туртки бериши билан бир-га, юртимиз иқлимини мўътадил сақлаш, табиатни асраш, аҳоли саломатлигини яхшилаш, пире-вардида халқимиз фаровонлиги-ни таъминлашда юксак аҳамият касб этади.

Хайрулло ҒАФФОРОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатасининг
Экология ва атроф-муҳитни
муҳофаза қилиш
масалалари қўмитаси раиси



“Дунё ҳар қандай инсоннинг эҳтиёжларини қондириш учун етар-лича катта, лекин инсоннинг очкўз-лигини қондириш учун жуда кичик.”

Махатма ГАНДИ

Бошланиши 1-саҳифада.

— Халқ ҳам шунга ишонган-да?
— Ишонган. Кўпчилик кўр-кўрона ишонган. Жадидлар халқнинг ичида бўлган. Халқдан ўзини тортиб ҳеч ким жадид бўлган эмас. Миркарим Осимнинг гўзал тарихий ҳикояларини ўқисангиз, бошингизни кўтаролмай қоласиз. Навоий, Форобий, Ибн Сино, Беруний хусусида, йўқолиш даражасига келган қанчадан-қанча буюқ тарихий намояндаларимиз ҳақида ҳам тарихий, ҳам ҳаётий, ҳам инсоний, ҳам илмий — олимпик нуқтаи назаридан энг баянли нуқталарда асарлар ёзиб, тирилтирган одамлар эди улар. Асл жадидлик шу! Халқ тақдири учун қайғуриш шу!

Бир кекса адиб ва муаллим ҳақида гапириб бермоқчиман. Мўминжон Мухаммаджонов тўғрисида. У Тошқин деган тахаллус билан ёзарди. Ойбек, Ғафур Ғуллом билан, илк жадидлар билан ҳам бирга ишлаган. 1926 йилда хотиралар асосида “Турмуш уринишлари” деган гўзал бир китоб ёзган. XX аср бошларидаги Марказий Осиё, хусусан, ўзбек халқи ҳаётини ҳаққонияти, симиимияти билан рост ёритиб берган. Ҳалиям ўқисангиз, ўша даврнинг воқеалари, одамлари, жадид намояндаларию бошқа турли сиёсий, ижтимоий, диний ташкилотлар вакилларининг ҳам сиймолари Мўминжон Мухаммаджоновнинг қалами остида ниҳоятда тирик гавдаланади. Ойбек домла ҳам кейинчалик “Улуғ йўл” деган эътиборли роман ёзганлар. Ана ўша ерда жадидларнинг ҳаёти жуда гўзал ёмби ҳаққоният билан ифодаланган. Гап-сўзлари, фикрлари, ўйлашлари, фалсафаси, курашчанлиги ва курашда бўйинини кундага қўйганлиги шундай яққол кўзга ташланиб туради. Мўминжон Мухаммаджонов — Тошқин билан наشريётда ишлаётган пайтларим танишганман. Ўшанда мени мумтоз адабиёт, фольклор, қрим-татар адабиёти, адабий танқид, адабиётшунослик соҳалари бўйича бўлим мудрири қилиб қўйишганди. Қариб, мункиллаб қолган Мўминжон Мухаммаджонов кўлларида эскириб кетган қалин папка солинган халта билан кириб келганди хонага. Диққатимни тортгани — кийимлари эски, лекин жуда озода эди. Ўзларини танитдилар: “Янги ишга келибсиз, ўғлим, танишгани келдим”, дедилар. Ҳалиги халтани очиб, папкадан “Найзангул” деб қаламда ёзилган кўлёмзани чиқарди. “Мана шу рўмонни, Иброҳимжон, сизга олиб келдим. Ўқинг, агар маъқул бўлса, чиқарсангиз, ўқувчилар ҳам маза қиларди”, деди. Кўлёмзани олиб қолиб, 10-15 кунда ўқиб чиқдим. Халқ латифалари усулида ёзилган, ҳаёт ҳодисалари, коллизиялари, зўравонликларини кўриб, эсидан оғиб қолган Найзангул деган одамнинг образини яратибди. Оломон қандай масхарабозлик қилиб, кўлларида кашкуллар билан доим “Найзангул-о, Найзангул” деб такрорлаб юрадиган дарвеш-қаландарлар бўларди юз йил авваллари, деб эшитганмиз. Инсонни қанчалар зўравонлик остида хору зор қилиб, эсидан айиришгани, ҳушини олиб, тақдирини барбод қилишгани ҳақида экан роман. Қўришганимизда “Яхши ёзилибди, режага қўямиз, раҳбарларга етказаман. Фақат озорқ қисқартиришга тўғри келади. Сизга бир ой вақт берсак, бир кўриб, ўзимга қайтариб олиб келиб берсангиз”, дедим ва кўзимга ташланган айрим жузъий нуқсонларини кўрсатдим.

Кейин билсам, у киши катта шоир, жамоат арбоби, тахририятларда ишлаган, юзлаб мақолалар чиқарган зиёли домла эканлар. Кўлёмзани олиб кетди, шу-шу қайтиб келмади. Демак... ўтиб кетган. Суриштирдим, ҳеч қаердан дараги топилмади. Роман ҳам йўқ. Ҳозиргача топилмаган “Найзангул”... Авлодлари ҳам йўқ экан. Уйини ҳам тополмадим. Эски Жўва, Сағбон атрофида бўлса керак, деб ўйлардим, лекин у томонларда ҳам домлани ҳеч ким кўрмаган бўлиб қикди.



Бошланиши 1-саҳифада.

Темурий ҳукмдор Ҳусайн Мирзонинг яқинларидан бир нуктадон киши: “Навоий шеърларида ошиқлигу майпарастликини бисёр қуйлаб, ислому дин уйига кўп гавго солди-да”, қабилида фикр билдиради. Албатта, Навоий асарларида май рамзий тимсол, ишқ эса Аллоҳга ошиқлик экани аён. Бироқ энди шоир дин уйини обод айлайдиган, яъни ислом асосларини тушунтириб берадиган бир асар ёзишни кўнглига тутади.

Аммо гоҳ у, гоҳ бу тавшиш билан бўлиб, орзулагани бу асарни битишга ҳеч фурсат тополмайди. Йиллар ўтиб, шоир олтимшига яқинлашган бир маҳалда Самарқанддан Хиротта бир мўътабар зот таширф буюради. Навоий ҳам унинг зиёратига боради. Меҳмон Навоийга ўзининг пири бўлмиш Хожа Ахрор Убайдуллоҳ Валийнинг йиллар бурун у ҳақда айтган: “Алишербек кўп яхши назмлар битди, лекин бевосита дин тарибига оид бир асар ёзиш ҳам ундан лозим эди”, деган омонат гапини етказди.

Аллақачон бу дунёни тарқ этиб кетган улуг пирнинг бу тилаклари шоирга руҳ бахш этади. У ўша заҳотиёқ “Сирож ул-муслимин”ни ёзиш учун қалам йўнади...


“ЖАДИДЛИК ЭНДИ ЎЛМАЙДИГАН ҲАРАКАТГА АЙЛАНДИ”



Мен шундай шарқшунос домла Лазиз Азиззода билан ҳам танишганман ўша кезлар. Йигирма йилдан ортиқ сургунда юрган. Тарихи узун...
— Буюқ шахснинг ўзи давр қолипига сиғиши қийин. Лекин жамиятда юзлаб феноменлар пайдо бўлгандан кейин ё жамият улар билан мурося қилиши, ё уларни йўқ қилиши керак. Шу мулоҳаза ўринлими?
— Бу тазийқ-таъқибларга асосланган жараёнлар бошқа халқларда ҳам содир бўлган. Европа, Германия, Францияда шундай воқеалар кузатилган. Биз ҳали жадидлар ҳаракатининг теран моҳиятига кириб бормадик. Бу озодлик ҳаракати намояндаларини француз инқилобчиларига ўхшатиш мумкин.
Француз инқилобининг бешта буюқ принциплари бўлган, шуни қаттиқ ушлашган. Худди “Jadid” газетасида “Тилда, фикрда, ишда бирлик” шiori бўлгани сингари. Бу жуда улуг гап. Исмоил Ғаспирли Европа, Туркия, Мисрни бориб кўрганидан кейин романлар ёзган. Бу маърифий асарлар орқали жамият ҳаётига ҳам эрк, инқилоб ғоялари ёпирилиб кириб келаверган. Шу ғоялар таъсирида жадидлар илму уламо, олим ҳамда ихтирочи бўлган, кашфиётчига айланган.
Жадидларнинг ихтиролари деганда Аҳмаджон Шукрий ёдга келади, у ҳам Берлинга бориб ўқиган ёшлардан бўлган. Марям Султонмуродова, Хайринисо Махидхонова билан бирга ўқиган. Шу одамнинг тақдири ҳам жуда қизиқ, мен хайратга тушиб юраман. У Ҳайделбергда ўқиган олим ва адиб эди. Аҳмаджон Шукрий “Чўлпон Чўлпондир” деган мақола ёзган. Қаранг, фикрий ихтиро бу ҳам. Чўлпон ижодини шу мақолада Шекспирнинг сонетлари билан муқояса қилган. Шукрий 20-21 ёшли йигитча бўлган у пайтда. Тасаввур қиялсизми, Шекспир билан Чўлпонни қиёслаш учун қанча Европа илмларини, Гёте, Вольтерни билиши керак. Йўқса бундай ёзолмасди. Мана, ихтиро. Бу одам Ҳусайн Жовиднинг “Шайх Санъон” трагедиясини Фитратнинг “Ҳинд ихтилочилари” асари билан сўзма-сўз солиштириб чиққан. Ихтироми, йўқми? Шундан ажойиб бир ижтимоий-бадий хулосалар, адабий услубларга доир назарий фикрлар ёзиб қолдирган.
Нима учун туркий жадид адабиёти намояндалари чет эл ҳаётига дахлдор воқеаларни ёритган, тарихий ҳодисаларни қаламга ола бошлаган? Буни мен бир мисол тариқасида айтатганим боиси, жуда ёш бўлишига қарамадан Махидхонова, Султонмуродова, Шукрийлар авлоди ҳақиқий маънода адабиётда, санъатда, илмда ихтироларга, кашфиётларга интилган. Газетада жадид кашфиётчилиги, жадид руҳи деган мавзу кўтариллиши керак. Ҳақиқатда улар кашфиётчи бўлган. Жадидлар адабиётдан ижтимоий овоз чиқиб туришини хоҳлаган жиддий шахслар эди. Буни Рауф Парфиға ўхшаган замондошларимиз илғаб олган ва шу ғоялар юрагиде, ижодларида кўкаришини жон-жаҳди билан истаган, шу йўлдан қайтмаган.
— Китобларингизнинг бирида ўқигандим, болалигингизни эслаганингизда амакиларингиз новвой бўлишганини ёзгансиз. Кўзимнинг олдида турибди ўша тасвирлар: Сиз томоша қиялсиз, улардан бири қаққонлик билан ҳампадан хамир узиб, тирсақлари билан зувалага ишлов берапти... Ўша пайтлар, яъни 50-йилларда оддий халқ вакиллари жадидларни билишармиди ё унутганмиди? Жадидлар ҳақида суҳбатлар бўлганми?
— Отам раҳматли Қодирий билан тенгдош бўлганлар. Айтиб беришарди, миллий ҳарбий кучлар тузиладиган бўлганда Абдулла Қодирий ёш йигит бўлган, отам ҳам Қодирийлар билан Самарқанд дарвоза томонларда бирга хизмат қилган экан. Лекин кўлимда ҳеч қандай ҳужжат бўлмагани учун бу ҳақда бирор нарсаси деълмайман.
— Тахририятимизда эскишаҳарлик Хусан деган йигит ишлайди. У бир китоб олиб келди. “Ўткан кунлар”нинг учинчи бўлими алоҳида бўлиб чиққан 25-йилги нашр. Қатағон йилларида китобни чордоққа беркитиб, суваб ташлашган экан. Халқ ўзи севган китобларини эҳтиёт қилиб, сақлаб қўйган-да. “Найзангул” романи ҳақида газетаимизда эъ-

лон берсак. Топилса, кошки... Ўзи матбуотнинг вазифаси кашшофлик, деган гап бор-ку.
— Бале, ҳақ гапни айтдингиз. “Jadid”да қишлоқ ҳўжалиги вазири, катта олим, академик Иброҳим Абдурахмонов билан суҳбатингизни ўқидим. Мана шу суҳбатда у жуда кўп фикрларни ўртага ташлаган. Саволларга ҳам жаҳоннинг энг зўр олимлари каби юксак профессионал нуқтаи назардан жавоб берган. Сунъий интеллект ҳақида ҳам жуда чуқур назарий масалаларни ўрганган экан. “Бизнинг олимлар шу кунларда сунъий интеллект, геномика, селекция соҳаларида олиб бораётган ишлари фақат Ўзбекистонга эмас, бутун дунёга катта фойда келтиряпти”, деган гапни айтган. Бу осон гап эмас. Олим одам қўлида аниқ фактлар бўлмаса, гапирмайди. Булар ҳақиқий маънода ўша Фитратларнинг, Чўлпонларнинг, Қодирийларнинг миллий ғояларини ўзлаштирган. Ўзбекистон халқи яқин йиллар ичида шу одамлар сабаб ниҳоятда катта самарали натижаларга эришади. Мана шундай одамлар жадидларнинг аънаалари ва миллий ғояларининг, ўша курашларининг натижалари сифатида майдонга кириб келяпти. Жадидларнинг бир ўлмайдиган хусусияти — улар бошлаган ишларнинг давомийлиги ва ҳеч қачон тугамаслигидир.
— Назаримда ҳамма замонанинг ўз жадидлари бордек. Бошқачароқ ном билан бўлса ҳам, масалан, Озод Шарофиддинов, Шухрат, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов тимсолида давом этган бу силсила.
— Булар жуда кўп. Асқад Мухтор, Омон Матжон, Ўткир Хошимов, Шуккур Холмиров каби пешқадам ёзувчиларимиз ҳам юрагиде, асарларида миллий ғоялар гуркираб турган одамлар эди. Мана, Абдурахмоновни гапиряпти, битта эмас-ку улар, тўғрими? Яна қанча абдурахмоновлар бор биз билмаган.
— Бир суҳбатимизда ўша олимимиз сунъий интеллектнинг ахлоқий жиҳатлари тўғрисида қайғириб гапириб қолди. Агар ҳақиқатанам тизим қўлдан чиқиб кетса, сунъий идрок вақти келиб кинолардагидек ҳалокатлар келтириб чиқариши мумкинми, деб сўрадим. “Бўлиши мумкин, бу реал. Шунинг учун сунъий интеллектга ҳақиқий ўзбекнинг юрагини қўйиш керак”, деди у. Боя Эркин Воҳидовни эсладик. У киши Сизнинг ёшлик дўстингиз бўлган. Қаҳрамон шоиримизнинг табиатида киборлик билан бирга ўта камтарлик, юксак маданият ва сабр-бардош, ирода ва шижоат, инсоф ва ҳамият уйғун эди. “Чеккага сурилиб” қолган пайтларида ҳам бирор марта нолимади. Эркин акадаги дарёдилликни бир мақолангизда жуда чиройли таърифлагансиз. Эркин акадаги шу ирода, шу маданият ўша жадидлардан ўтиб келяптимики?
— Келяпти, тўғридан-тўғри келяпти. Эркин акам кўп суҳбатларида Алихонтўра Соғунийни тилга олардилар. Соғуний домла шарқ маданияти, исломшунослиги, Қуръон ва ҳадис илмини жуда чуқур ўзлаштирган аллома эди. Эркин акам дастлабки ғазалларини ёзиб тоғалари орқали Алихонтўра Соғунийга ўқитганларида у киши устозлик қилиб, йўл-йўриқ кўрсатган экан. Шу-шу, домла Эркин Воҳидов ижодини муттасил, изчил суъратда кузатиб борганига гувоҳимиз. Қандай қилиб Алихонтўрани устоз деган

шоирни жадид ғояларининг фаол давомчиси, издоши деб айта олмаимиз? Эркин Воҳидовга буларнинг ҳаммаси салафлардан мерос бўлиб ўтган.
Жадид ғояларини ташиган ёзувчиларимиз, олимларимиз ва арбобларимизнинг ҳаммаси маълум маънода жадид мактабининг тарбияланувчиси, шоғирди қомили бўлган. Баъзи бирлари бунини ошқора тан олмаган бўлсалар ҳам. Бу миллатнинг юрагидан ўтиб келаётган ва ҳеч қачон ўлмайдиган мунаввар туйғу.
20-йилларда Германияга ўқишга борган илк ёшлар уруғчили, агрономлик, сув ҳўжалиги бўйича жуда катта ихтиролар қилишган. Одам қойил қолади. Шуларнинг номи бирон ерда айтилмаган, ё кўксига медаль тақиб қўйилмаган. Ўйқаса, Усмон Шокирлардек хор-зор, сургун бўлиб, қамоқхоналарда чиритиб юборишарди. Мана, ўшалар ҳам агроном бўлсам, уруғшунос, селекционер, сувчилик соҳаси устаси бўлсам миллимиз гуллари, жадидлари эди. Чунки ғоялар бир ном билан аталмаслиги мумкин, лекин уларнинг моҳияти ягона. Демак, бир ярим аср нарида бошланган жадид ғоялари сиз билан биз суҳбатлашиб турган давргача давом этиб келяпти. Ҳар хил шаклда, лекин бардавом. Миллат тақдири шунини тақозо этади...
— Суҳбатимиз бошида Президентимизнинг бугунги ислохотлари жаҳон миқёсида эътироф этилаётганини эсладингиз. Туркистонлик жадидларнинг мақсади истиқлол ва бирдамлик бўлгани ҳақида ҳам кўп гапирляпти. Аслида бу мақсадларнинг рўёбига қаршилиқ қўрсатувчи, ҳамжиҳатлик ғоясининг амалга ошишига тўсқинлик қилувчи ташқи кучлар ҳар доим бўлганини унутмаслик керак, менинчи...
— Фикрингизга қўшиламан, Иқболжон. Ташқи таъсир ҳамма вақт бўлган. Давлатимиз раҳбари юксак сиёсий ирода кўрсатиб, жадид боболаримиз орзу қилган ишларни давом эттираётир. Ҳаёт руҳониятига сингдираётир. Мана, март ойи охирида Ҳўжанд шаҳрида бўлажак уч томонлама учрашув ҳам ана шу халқлик ислохотларнинг амалий ифодасидир. Қўшни-қардош элларнинг бирдамлиги, чегаралардаги низоли ҳудудлар хусусида ҳамжиҳатликда яқуний қарорнинг қабул қилиниши, энг аввало, улуг неъмат — тинчликнинг барқарорлигини, қолаверса, минтақа салоҳияти билан бирга, унинг куч-қудратини-да мустаҳкамлайди. Бу эса ўз навбатида Марказий Осиё, хусусан, Янги Ўзбекистоннинг ривожланиш босқичида янги уфқларни очади. Улар бари жадидлар орзу қилган уфқлар...
— Раҳмат, устоз. Сиз билан суҳбатимизни ҳали кўп давом эттирамиз. Улуғ айём кунлари Сизга минглаб муштарийлар номидан куч-қувват, тани сўхатлик ва тошқин илҳом тилаймиз.



ЖИСМ ВА РУҲ МАЙЛИ

Сойири аъзога халал етмамак,
Шаръ хилофига шуруъ етмамак.

Ҳар бири ўз шўғлига зоҳид бўлуп,
Манъи хилоф ичра мужоҳид бўлуп.

Бормагаю кўрмагаю тутмағай,
Айтмағай, эшитмагаю ютмағай.

Учинчиси, кўнгилни пок тутиш:
Лекин учунчиси будурким, кўнгул,
Чунки эрур маҳбита анвори кулл.

Поку равонбахш ҳавоси анинг,
Жилвағаҳи файз фазоси анинг.

Чунки кўнгул — илоҳий сирлар хазинаси, шохий чехра, яъни Аллоҳ жамолини акс эттирувчи ойна ҳисобланади:

Маҳзани асрори илоҳий ҳам — ул,
Ойнаи чехрайи шохий ҳам — ул.

Шунинг учун бу кўзгунги турли ҳаёллар зангидан тозалаш, шундай асраш керакки, унда фақат дўст, яъни Аллоҳгина акс этсин, ундан бошқа нарсанинг нақши кўринмасин:

Дафъ қилиб занги ҳаёлотни,
Асрамоқ ул навъ бу миръотни,

Ким анга жуз дўст зуҳур етмағай,
Балки анинг ғайри хутур етмағай.

“Фарҳод ва Ширин”нинг Султон Ҳусайн Мирзонинг ўғли Абулфаворис Шохғариб Баҳодирга панду насихат тарзида битилган 53-бобида шох бўлиш учун илм эгаллаш таъкидланади. Навоий

наздида, шох ҳар қандай илмни ўрганиши керак. Бироқ дин илмига келганда, уни асосий манзил айласин. Чунки бу — асл илм:

Гузар қил ҳар неча илм ўлса ҳосил,
Чу дин илмига етсанг, айла манзил.

Шах улдукрим, шиори илми диндур,
Нединким илми дин илм ул-қайдур.

Дин илмини эгаллаганиндан кейин, бошқа фанларни хоҳ ўрган, хоҳ ўрганма, дейди Навоий. Лекин, деб давом этади шоир, тиб илмининг ҳам кишига керак жойи кўп:

Ва лекин тибби ҳикмат ҳам эрур ҳўб
Ки сўхатдур киши жисмида матлуб.

Ахир тани соғ бўлмаса, тўшақдан бош кўтармаса, бу одам Тангри амрларини қандай қилиб адо этсин, нечук рўза тутсин, не янглиғ саждага бош эгсин? Ёхуд оғзига пахта билан сув томизиб турилган бўлса, у одам қандай қилиб рўза тутсин:

Қаю жисмеки онинг сўхати йўқ,
Қилурга Тангри амрин қуввати йўқ.

Бировким пахта бирла су(в)ни ютқай,
Ўзунг деким, не янглиғ рўза тутқай?!

Нетиб қилғай сафодин саждае фош,
Тўшақдин улки олмас лаҳзае бош.

Бобокалонимиз чаҳорёвлардан бири — Муҳаммад алайҳиссаломнинг куёвлари бўлмиш ҳазрати Алининг ҳикматию сўзлари жамланган насрий “Наср ул-лаолий” китобидан шеърга солиб таржима қилган “Назм ул-жавоҳир” тўпламидаги рубоийларида рўза билан бевосита ё бил-

восита боғлиқ кўп ва ҳўб насихатлар баён этади. Ҳазрати Али ва Навоийлар наздида, қорин — ҳаммаша кишига душман, у билан дўст бўлмаслик керак:

Ҳар кимгаки кўп таом емак фандур,
Билгилки, нажосатқа тани маскандур.
Қорнинг била дўст бўлмасанг ахсандур,
Невчунки, эр ўғлига қорин душмандур.

Гап шундаки, тўқликнинг маънавий зиёни бор. У киши кўнглини қаттиқ қилади:

Кўп туъма ер эл аросидин ихрож ўл,
Савм ахли аро бош қўю соҳибтож ўл.
Ким қалби рақиқ эрур, анга муҳтож ўл,
Тўқлук чу кўнгулни қатик айлар, оч ўл.

Кўп овқат егандан кейин кишининг лоҳас, демакки, бепарво бўлишини замонавий тиббиёт илми ҳам тасдиқлайди. Чунки бунда тананинг бутун кучи овқатни ҳазм қилишга кетади. Қорин тўқ маҳали кучли жисмоний меҳнат қилиш ҳам, жиддий ақлий фаолият ҳам қийин кечади. Бутун диққати меъданинг ишлашига қаратилган тана миёга етарли миқдорда озуқа, яъни қон етказиб беролмайди. Лоҳаслик — ана шундан. Бепарволуғ бепарқилик эса кўнгли қаттиқлигининг ўзгинаси. Шунинг учун ҳам Аллоҳ йилига бир ой рўза буюрган. Ота-боболаримиз бунинг қадрини баянланд тутган. Рўзадан руҳга софлик, баданга эса саломатлик келиши аниқ:

Доим тут ўзунга рўзанинг меҳнатини,
Ким руҳқа еткурар софо давлатини,
Сўхат тиласанг, қилгил анинг ниятини,
Ким рўзада қўйдилар бадан сўхатини.

Султонмурод ОЛИМ,
филология фанлари доктори



ТОМОША

ОШ ЛАГАНДАЙ БЎЛАЙЛИК

Ўтган шанба бозорладим. Эҳ-хэ, ҳаммаёғ обод. Мадрасани шундоғ биқинида раста-раста барака. Етти қават ҳасип устидаги куйдирилган калла барра-барра кўкати искаб ётибди. Тагин қатор-қатор олмаю ана-нас, майизу маржумак, бодроғу қовурдоқ. Бу ёғи рўзамасми, дона-дона хурмо, пақир-пақир нишолда, уюм-уюм талқон, тоғора-тоғора сумалағу ҳолвайтар. Нарироқда сўқоқлик кеннойи мадор сомса сотяпти. Хуллас, ҳаммасидан чўқиб-чўқиб, ўзимга 25 сўмлик ифторлик ясадим.

Гулзор кўча оралаб, шундоғ катта йўлга чиқаётиб қарасам, тумонат одам. Бирор нима текин тарқатилган бўлса, қуруқ қолмай деб (айтиб бўлмайди-да, моҳи рамозда савобталаб кўпаяди) менам елкалар аро калла сўқдим. Ёпирай, театрга шунча навбат?! Чамалаб кўрсам, оғизочарга ҳали икки соат бор. Емагим ўзимда. Эрмак бўлқолар дедим-да, кўй терисини ёпинган бўридеккина бўлиб, чиптачилардан шиппа ўтиб олдим. Ёқмаса, чиқиб кетишга, алдаб нима қилдим, жуда бўлмай кетса, кавш қайтариб ўтиришга қулайроқ жой топдим-да, чўқдим. Аввало, ҳали олганим иссиққина кўксомсани қорнимга, шундоққина ошқозон устига қўйдим. “Ҳа” деган туяга мадор. Ҳидига овуниб турсин. Буёғи маънавий озуқа оламиз. Ана, бошланди, чамамда. Чироқлар ўчди. Бир кампир саҳнага чиқди. Қўлида полювгич. Ишлагандай бўлиб юрибди. Оббо, намуна энасида адашган кўзиди у ёқдан-бу ёққа ўтиб қайтмаса булар?! Ўтирсачи?!

Бир пайт елкамдан биттаси туртапти. Ёшгина йигит, ёнида байталиам бор. “Амаки, бу бизни жойимиз эди. Турсизми?” “Йўқ, ўзимники! Биринчи келган биринчи ўтиради!” Шивир-шивирни хушёр-войлардан бири эшитиб, дарров тепамга келди: “Амаки, билетизми кўрсатин!”



Йўқ нарсани қандай кўрсатайин? Каловланиб қолдим: “У, ҳалиги, оббо, қаерга қўйдим экан-а...” Қўлга тушдим-ов... Хушёрвой тагин ниқтади: “Булани билетида шу жой кўрсатилган. Ўзизники қаерда?”

Саҳнада шовқин-сурон! Томоша авжида! Энди нима қилдим? Бошқа бўшроқ жойга ўтарман, десам ҳам чиптангни кўрсат, у жойни эгаси кепқолса, яна овора бўламиз, дейишди. Ўзи одамларда маданият қолмади. На уят, на андиша бор. Безрайиб қараб туришини-чи? Ёши улуг одам экан, кел энди шунга жой берай демайди. Ҳа, чипта обсан, обсан, а, мундоғ, паросатни ишла-тиб, эртароқ келмайсанми?! Тагин тинчгина кўриб ўтирган кишини безовта қилиб бало борми? Йўқ, хушёрвой кўнмади. Топиб олгани битта гап: “Билет!”

Илож қолмагач, ўзимдан оқилу уламо “ясаб” гердайдим: “Ҳой, менга қара, барака тоғур, мени таниялсанми, мен шу театрни кат-

тасини амакисини кўшниси бўламан!” Уям бўш келмади: “Менга деса, Раж Капурни раднўй божаси бўлмайсизми, билетни кўрсатин! Нима, шунда одам бу ерда қарта ўйнагани келганми? Актёрларниям бола-чақаси бор. Бизам маккапо-да сўппайиб турган кастм-шимли чаҳорчўпмасмиз. Ишляпбиз!”

Охири, бўлмади. Кассага борсам, берк. Қайтдим. Бир кўнглим, кўй, томоша кўрмай юрган жойингми, тинчгина уйга сура қол, деди. Аммо менам улоқ айирмасдан қайтмайдиган эски даллолларданман. Кирдингми, бас, ортга йўл йўқ! Қайтиб, “Кассиринг йўгакан. Кўй, шуни кўриб кетайин”, дедим муро-са билан. Кўнмади. Шартта 25 сўмни санаб, “бор барака” қилиб, қўлига шаппатлавордим. Чап кўзимни қисиб, “Кечки бозор, Той!” деб қўйдим. Киргизворди.

Томоша авжида! Қийқирик, хуш-так! Икки бекорчихўжа бир кўзи шахмат тахтасида, бир кўзи олма-

кесак териб, “от келди, от кетди” қип ўтирибди. У ёндан-бу ёнга йўр-галаётган танноз Котибахон ҳам уйинга суяги йўқми, жигарсўхталар юрагига ўт ёқиб, “Ютганга памил чой, ютқизганга вой-вой” деб қошини биланглатади. Ишқилиб, шахмат зўр нарса! Вақт қандай ён-бошлаб, қош қорайганини билмай қолсан. Вақтида бизам роса сурганмиз!

Актёрлар ичида мен тенги бирови бор экан. Қўққис кафтини карнай қилиб, “Бугун ош бор!” деб букириб қолса бўладими? Сапчиб ўрнимдан турибман! Эсим курсин. Жамолиддин журам ошга айтуди-я! Бугун эди! Қандай унутдим! Нима жин урди мени! Шу пайт, қорин ўлгур бир бураб олди-ю.

Саҳнада бешта атлас қийиқ тангиган чаққон йигитчалар пайдан бўлиб, шамоллатиш қувуридан узатилаётган ошли лаганларни қўлма-қўл қила кетди. Балли, ижодкор, топибсан! Барака топ!

Бобоқанд ҚҶЧҚОР

ТИЛБИЛИМ



ҚАТОВ ва МАТОВ

Шундай бир халқ термаси бор: **Туялар юрар матовга, Кийклар юрар қатовга.** Шу байтдаги қатов сўзининг изидан тушиб, кўп нарсаларни билиб олдим.

Ўзбекистон халқ бахшиси Абдиназар бахшига телефон қилиб, шу термадаги қатов сўзи ҳақида сўрадим. Бахши бобо айтдики, қатов – бу тоғнинг қат-қат бўлиб қатланган кетган жойлари. Тоғ баландлаган сари унда шундай қат-қат қатлам қўпаяди. Кийиклар кўпроқ тошдан тошга сакраб қатовда юради. Бунга сабаб, кийикнинг қушандаси – бўри қатовда юришга қийналади, кийикни овлай олмайди.

Қатовни қот ҳам дейишади. Халқ термасида шундай гап бор:

Йигитлар юрар от билан, Кийклар юрар қот билан.

Туялар юрар матовда деган мисранинг ҳам ўз маъноси бор. Туяларни ип билан бир-бирига

матаб боғлаш матов дейилади. Туяларни ингичкароқ ип билан матасангиз ҳам улар тартибни бузмай, бир-бирига маталиб, измаиз эргашиб кетавереди, матовни ҳар томонга тортқилашмайди. Бу борада туяларда қатъий тартиб бор. Бошқа жониворларда бундай эмас, уларни қалин арқон билан матасангиз ҳам ҳар томонга тортқилашиб, тартибни бузишга ҳаракат қилишади. Туялар азалдан карвон бўлиб юргани учун бу интизом уларнинг қонига сингиб кетгандир. Туялар матовда юришнинг фойдасини биладилар, шундай ҳолда улар карвонда адашмайдилар, ортда қолиб кетмайдилар.

Қашқадарёда Қамаш томонларда Қатов деган тоғ ҳам бор. Бу баланд тоғ ҳам қат-қат бўлиб қатланган туради. Қарангки, ўзбек халқ термаларида келган бу сўз, ҳатто мамлакатимизда бир тоғнинг номи бўлган бу сўз “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”га кирмай қолган.

Эшқобил ШУКУР

ТАРМОҚЛАРДА НИМА ГАП?

ИНСОФ БЕРСИН...

Мен бу постни узоқ мулоҳазалардан сўнг ёзмоқдаман. Айтиладиган барча фикрлар шартли.

Бугун ҳеч кимни бефарқ қолдирмаётган уруш тагида ўзаро нафрат ётибди. Фақат украинлар билан руслар ўртасида эмас, яна кўплаб томонлар ўртасида. Тарих кўрсатадики, бундай уруш камдан-кам яраш билан тугайди, кўпинча нафратни кучайтиради, аламга айлантиради. Ҳарбий тўқнашувлар вақтинча тўхтаса ҳам, томонлар ўртасида таранглик пайти келиши билан алам олиш учун тайёрланиш тарзида давом этади, бу эса арзон тадбир бўлмагани учун халқдаги бошқа тарафга нисбатан нафратни кучайтиради зўр берилади. Қарабсизки, дарада даво ўрнига заҳар қўшиш бўлади.

Ўзаро нафрат ва алам онгни кўр қилади, ақлни ўтмаслаштиради. Бу жиҳатдан Россия-Украина уруши давомийлиги бўйича Исроил-Фаластин можаросининг Европа вариантга айланиши мумкин. Фақат, иккинчиси локал характерда давом этаётган бўлса, биринчиси глобал оқибатлар келтириб чиқариши тайин (Аллоҳ асрасин). Чунки дунё бозорида галла экспортида Россия билан Украинанинг биргаликдаги улуши 50 фоизга етади дейилмоқдаки, бу уруш сиёсий оқибатлардан ташқари ҳозир кўпчиликнинг ҳатто хаёлига ҳам келмаётган муаммолар, янгидан-янги можаролар келтириб чиқаради. Албатта, бу икки биродар халқни бир-бирига гиж-гижлаганлар оч қолмайди. Аммо шундай ҳам аранг нон топиб еяётган қанчадан-қанча халқларнинг ахволи нима бўлади?

Аллоҳ инсоф берсин.

Хулосалар:

1. Дунёга ҳукмронлик қилиш даъвосини қилувчи давлатлар ўз иштаҳаларини тийиш пайти келди. Ихти-



лоф, ғаюрлик сиёсатидан тинчлик, барқарорлик, ўзаро ҳамкорлик сиёсати томон юз буриш, худбинликдан неқбинлик устун даврни бошлаш керак.

2. Марказий Осиё республикаларини бир-бирига гижгижлаш, уларнинг ўзаро муносабатини Фаластин-Исроил, бугунги Россия-Украина муносабатларига айлантиришга орзуманд қучлар ўз қитмирилигидан воз кечишига ишониш қийин, аммо Марказий Осиё давлатларининг раҳбарлари, сиёсатчилари, зиёлилари хушёр бўлишлари, зигирча бўлсин можаро чиқишига асло йўл қўймайликларини, ҳар қандай низонинг олдини олиш учун курашишлари шарт.

3. XXI аср, минг афсуслар бўлсинки, XX асрдан ҳам баттар серуруш, серможаро бўладиганга ўхшаяпти. Бундай шароитда халқимизнинг бирлиги, яқдиллигини таъминлаш – ички сиёсатнинг бош мақсади, принципи айланиши керак. Фақат бу принцип камбағалга қай даражада тааллуқли бўлса, бою бадавлатларга юз марта кўпроқ тааллуқли эканлигини англаш ва шуни ҳисобга олиб иш юритиш лозим.

Ҳар бир пора олиш акти, ҳар бир коррупцион имзо, ҳар бир ўз лавозимини суиистеъмол қилиш ҳолати, ҳар бир зўравонлик Ўзбекистоннинг бугунига қарата отилган ўқ, эртасининг

Ош ўзбекка ҳаводек зарур! Вой, мана буларни палов ортидан югуришини-и! Кўзини қара, кўзини! Ҳаҳ, балли санъаткор, чертиб айтибсан! Бир кун бизни ош ўлдиради! Ҳаммамиз ош солинадиган лагандекмиз. Қанча бўлса, сиғдирамиз. Аммо кенгмасмиз. Бошқаларга кенгмасмиз. Фақат ош учун махсус яралганмиз. Оббо, яна биров елкамдан туртапти-ку. Тагин ўша хушёрвой. Бурнимга алпақандай қоғозни тиқиштиряпти. “Нима бу?” “Билетингиз. Мана буниси чек. Саломат бўлинг.” Вой, хушёрвой-э! Савилгина ростманасига ишларкан. Мен чўнтакка уриб кетдим деб тургандим. Қойил, шунақа одамлар ҳалиям борми-е?! Отанга балли!

Бир пайтлар бизни Тангатопди молбозорига бир қирриқ директр бўлиб, “Ҳалол ишла, тўғри юр, бировни ҳақини ема”, деб энкантинкамизни қуритган эди. Ўзиям оқсим теккан бузовдай қоқсуяк, пичоққа илинмайдиган зотидан экан, қистирсанг, диконглаб, шохлаб қолгудай... Ҳақиқат бор, чилласи чиқмасдан қия бўлкетди. Ҳисобли дунё-да!

Омале, манов томоша мазза бўлди. Бўйни қашланган тўқлидай мириқдим. Очиғи, очлигимни унутдим. Чунки каллам тўйди. Кўнглим тўқ бўлди. Вақти етиб қолган экан, бир тишлам кўксомса, бир хўплам сув билан оғиз очдим. Шугина тўйдири. Қолгани қолди. Ўзи 25 сўм эмас, 10 сўмга тўяр қорним бора-кан. Лекин бир нимага қойил қолмадим. Санаб чиқсанг, 25 киши ишлайдиган бир саҳна асари учун 25 сўм тўладим. Ҳар бирига бир сўмдан. Бир қорин тўйиши 25 сўмдан қимматга тушади.

Нафсиламрини айтсам, анов нусха бекор чипта-чекни тиқиштирди. Бовужуд ўз пулимга сотиб олгандек бўлқолдим. Паттасиз кўрганга нима етсин! Начора, текин томошага ишқивоз халқмиз-да!

Jadid

jadid, shay-ma'rifat va ijtimoiy baholish guruhi

Муассислар:

ЎЗБЕКИСТОН
ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИРЕСПУБЛИКА МАЪНАВИЯТ
ВА МАЪРИФАТ МАРКАЗИЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИМИЛЛИЙ МАСС-МЕДИАНИ
ҚЎЛЛАБ-ҚУВВATЛАШ
ВА РИВОЖЛАНТИРИШ
ЖАМОАТ ФОНДИ“ШАҲИДЛАР ХОТИРАСИ”
ЖАМОАТ ФОНДИ

Бош муҳаррир:

Иқбол Мирзо

Масъул котиб:

Шухрат Азизов

Навбатчи муҳаррир:

Шавкат Бобомуродов

Саҳифаловчилар:

Эркин Ёдгоров

Нигора Тошева

Муаллиф фикри тахририят фикри билан мос келмаслиги мумкин.

Тахририятга юборилган мақолалар муаллифга қайтарилмайди ва улар юзасидан изоҳ берилмайди.

Газета 2023 йил 26 декабрда

Ўзбекистон Республикаси

Президенти Администрацияси

хузуридаги Ахборот ва оммавий

коммуникациялар агентлиги

томонидан 195115 рақам

билан рўйхатга олинган.

Кирилл ёзувидаги адади – 8 317

Лотин ёзувидаги адади – 12 627

Медиа кузатувчилар – 39 701

Буюртма: Г – 339

Ҳажми: 4 босма табоқ, А2.

Нашр кўрсаткичи – 222.

Ташкилотлар учун – 223.

1 2 3 4 5 6



Манзиллимиз:

Тошкент шаҳри,

Шайхонтохур тумани,

Навоий кўчаси, 69-уй

Телефонлар:

Қабулхона: (71) 203-24-20

Девонхона: (97) 745-03-69

jadidgzt@mail.ru (71) 203-24-17

Jadid_gazetasi@exat.uz

“Шарқ” нашриёт-матбаа

акциядорлик компанияси

босмахонаси.

Босмахона манзили:

Тошкент шаҳри,

Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Босишга топшириш вақти: 21:00

Босишга топширилди: 20:50

Сотувда нархи эркин.



www.jadid.uz